

## Амалий кўникмалар алгоритми

1. Таъриф
2. Мақсад
3. Амалий кўникмани мустаҳкамлаш учун зарур назарий маълумотлар
4. Кўрсатма
5. Қарши кўрсатма
6. Зарурий жиҳозлар
7. Қадамма-қадам бажарилиши
8. Асоратлари

### ШАХСНИ АНИҚЛАШ УЧУН АЙЗЕНК ШКАЛАСИ

**Айзенк шкаласи (саволномаси)**-экстраверсия-интраверсия ва нейротизм даражасини аниқлаш учун қўлланилади.

**Мақсад** – шахс типини аниқлаш.

**Амалий кўникмани мустаҳкамлаш учун зарур назарий маълумотлар:**  
*Экстравертлар ёки ҳис-туйғуларини ҳамма билан баҳам кўрадиганлар*

Экстраверт жуда дилкаш, ҳис-туйғулари ташқарига йўналган, сир-саноатларини бошқаларга ёйиб юрадиган ва одамлар билан мулоқотда бўлишни хуш кўрадиган шахс. У ўзининг хушчақчақ, қувноқ, тез кўзғалувчан, сержаҳл ва жиззакилиги билан ажралиб туради. Экстраверт ташқи кўринишидан оптимист одамни эслатади, ўта ишчан ва фаол бўлади, лекин сир сақлай олмайди, ўз ҳис-туйғуларини назоратда тутмайди, жаҳли чиқса тажовузкор бўлиб қолади. Жиддий тадбирларга, айниқса, узоқ муддатли ишларга уни шерик қилишда эҳтиёткор бўлиш даркор.

*Интравертлар ёки ичимдагини топ дейдиганлар*

Интраверт ўта камгап, мулойим, уятчан, ҳис-туйғулари ичкарига йўналтирилган шахс. Унинг жаҳлини чиқариш ва сирларини билиб олиш жуда қийин, у ўзини назорат қила олади, мулоқотга дарров боравермайди, қайси бир жамоада суҳбатга аралашиб қолса кам сўзлайди ёки индамай ўтиришни хуш кўради. Ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиб юради, ҳаммага ҳам қўшилавермайди, дўстлари кам бўлади. Қилиниши керак бўлган ишларни яхшилаб ўйлаб олади, кейин режасини тузади, бирор қарорга дарров келавермайди. Ахлоқий нормаларга амал қилувчи бу шахсларда оптимизмга қараганда пессимистик руҳ устунлик қилади.

Нейротизм эса ҳиссиётга берилувчанликни, ортикча ҳавотирни, доимо таранг ҳолатда юришни ва депрессияга моилликни белгилаб берувчи шахс кўрсаткичи.

Айзенк шкаласи 57 та саволдан иборат бўлиб, улардан 24 та савол экстраверсия-интраверсия шкаласи билан, 24 та савол нейротизм шкаласи билан боғлиқ бўлса, қолган 9 таси ёлғон шкаласи бўлиб, синалувчининг саволлардан алдамасдан нақадар тўғри жавоб берганини кўрсатади.

#### **Кўрсатма**

Текширилувчи қуйидаги саволномани ўқиб уларга жавоб бериши лозим. уларга “Ҳа” ёки “Йўқ” деб жавоб беринг, фикрингизга келган биринчи жавобни ёзинг, улар устида узоқ ўйлаб ўтирманг, чунки ушбу саволларга сизнинг дастлабки реакциянгиз муҳим. Чунки тўғри ва нотўғри жавобнинг ўзи йўқ, бу ерда бор-йўғи Сизнинг шахсингиз аниқланади, холос”.

#### **Қарши кўрсатма**

Эндоген жараёнларда.

#### **Зарурий жиҳозлар**

Айзенк шкаласи бланки

## Айзенк шкаласини бажарилиш алгоритми

№	Босқичлари	Бажарди	Бажармади
1	Айзенк шкаласини тўлдириш қоидаларини тушунтириш		
2	Бемор ёндош ҳолатлар, жараёнларга чалғимасдан ушбу бланкни тўлдиради.		
3	Тиббий психолог бланк натижаларини баҳолайди.		
4	Олинган натижаларни беморга тушунтирилади.		

### Кузатиладиган асоратлар:

Асоратлар кузатилмайди

### Илова

Айзенк шкаласи саволномаси

1. Сизда ўзингизни чалғитиш учун янги таъсиротларга шўнғиш ва кучли ҳаяжонли синовлардан ўтиш истаги тез-тез пайдо бўладими?
2. Сизни тушунадиган, маъқуллайдиган ва кечинмаларингизга ҳамдард бўладиган дўстларга зарурат ҳисси тез-тез пайдо бўладими?
3. Ўзингизни ғам-ташвишсиз одам деб ҳисоблайсизми?
4. Сизга ўз ниятингиздан воз кечиш жуда қийинми?
5. Сиз қилмоқчи бўлган ишларингизни шошмасдан ўйлаб кўрасизми ва уларга киришишдан олдин бироз кутиб туришни маъқул топасизми?
6. Сиз ҳар доим ҳам ваъдангизда тура оласизми, гарчи бунинг Сизга фойдаси бўлмасада?
7. Сизда кайфиятнинг бирдан тушиб ва ошиб кетиши тез-тез бўлиб турадими?
8. Сиз ишга тез киришиб ва одамлар билан тез суҳбат куриб кета оласизми, ўйлаб олишга кўп вақт сарфламайсизми?
9. Сизда жиддий бир сабаб бўлмаса-да, бахтсизлик ҳисси пайдо бўлганми?
10. Бахслашиб кетиш учун ҳамма нарсага тайёрлигингиз ростми?
11. Ўзингизга ёққан аёл (эркак) билан танишмоқчи бўлсангиз хижолат тортасизми?
12. Сиз ғазаблансангиз ўзингизни кўярга жой топа олмай қоласизми?
13. Кескин вазиятларда ўйламасдан бирор ишга кўл урасизми?
14. Шуни қилмаслигим ёки гапирмасилигим керак эди, деган хаёллар Сизни тез-тез безовта қиладими?
15. Сиз одамлар билан учрашгандан кўра китоб ўқишни афзал кўрасизми?
16. Сизнинг нафсониятингизга тегиш жуда осонлиги ростми?
17. Сиз тез-тез одамлар орасида бўлишни ёқтирасизми?
18. Сизга баъзан “Буни бировларга айтишни хохламасдим” деган фикр келадими?
19. Сизнинг баъзан катта куч-қувватга тўлиб тошишингиз ва кучли ланжлик хис қилишингиз ростми?
20. Сиз ўз танишларингиз сонини энг яқин дўстларингиз билан чегаралашга интиласизми?
21. Сиз кўп орзу қиласизми?
22. Сизга бақиршса, Сиз ҳам шундай жавоб қайтарасизми?
23. Сиз ўз одатларингизни яхши деб ҳисоблайсизми?
24. Сизда айбдорлик ҳисси тез-тез пайдо бўлиб турадими?
25. Сиз баъзан ўз хис-туйғуларингизга эрк беришга ва ғам-ташвишсиз дўстлар даврасида ўйнаб-кулишга кодирмисиз?
26. Сизнинг асабингиз ўта таранглашган деса бўладими?
27. Сизни чаққон ва қувноқ одам деса бўладими?
28. Сиз ишни бажариб бўлганингиздан сўнг, “Уни бундан ҳам яхшироқ қилишим мумкин эди”, деган фикрга тез-тез борасизми?
29. Сиз катта давраларда ўзингизни нотинч ҳис қиласизми?
30. Сизда гап ташиб туришлар бўладими?
31. Сизни ҳар хил фикрлар безовта қилавериш ухлай олмай чиқасизми?

32. Агар Сиз ниманидир билиб олмоқчи бўлсангиз, уни дўстларингиздан сўрагандан кўра китобдан ўқиб топишни афзал кўрасизми?
33. Сизда кучли юрак уришлари кузатилиб турадими?
34. Сизга диққатни бир жойга тўплашни талаб қиладиган ишлар ёқадими?
35. Сизда титраб кетиш кузатиладими?
36. Сиз ҳамма вақт ҳам ҳақиқатни гапирасизми?
37. Бир-бирининг устидан хазиллашиб ўтирадиган давраларда бўлиб қолсангиз хижолат чекасизми?
38. Сиз жахлдормисиз?
39. Тез ҳаракат қилишни талаб қилувчи ишлар Сизга ёқадими?
40. Ҳаммаси яхшилик билан тугаган бўлса-да, Сиз билан рўй бериши мумкин бўлган турли хил ёқимсиз ва кўрқинчи воқеалар ҳақидаги хаёллар Сизга тинчлик бермаслиги ростми?
41. Сизнинг бамайхилотир ва камҳаракат одам эканлигингиз ростми?
42. Сиз қачондир ишга ёки учрашувга кеч қолганмисиз?
43. Тез-тез ёмон тушлар кўрасизми?
44. Сиз гаплашиб олишни шу қадар яхши кўрасизки, бирорта қулай вазиятни бой бермайсиз. Шу ростми?
45. Сизнинг қандайдир оғриқлар безовта қиладими?
46. Агар дўстларингиз билан узоқ вақт учрашмасангиз дилингиз сиёҳ бўладими?
47. Сиз ўзингизни асаби таранг одам деб ҳисоблайсизми?
48. Танишларингиз орасида Сизга сира ҳам ёқмайдиганлари борми?
49. Мен ўзимга ишонган одамман деб айта оласизми?
50. Сизнинг камчиликларингиз ёки ишингизни танқид қилишса тутоқиб кетасизми?
51. Сизга кўп одам қатнашадиган тадбирлардан ҳақиқий қониқиш ҳис қилиш жуда қийинми?
52. Менинг бошқалардан камчилигим бор деган фикр Сизни безовта қиладими?
53. Зерикарли давраларга жон киргизиш кўлингиздан келадими?
54. Умуман ақлингиз етмайдиган нарсалар ҳақида гапирган вақтларингиз бўлганми?
55. Соғлигингиз ҳақида қайғурасизми?
56. Бировлар устидан хазиллашишни ёқтирасизми?
57. Сизни уйқусизлик безовта қиладими?

## Амалий кўникмалар алгоритми

1. Таъриф
2. Мақсад
3. Амалий кўникмани мустаҳкамлаш учун зарур назарий маълумотлар
4. Кўрсатма
5. Қарши кўрсатма
6. Зарурий жиҳозлар
7. Қадамма-қадам бажарилиши
8. Асоратлари

### Цунг шкаласи (депрессияни баҳолаш учун)

Цунг шкаласи - депрессияни баҳолаш учун қўлланилади.

**Мақсад** – депрессияни баҳолаш.

**Амалий кўникмани мустаҳкамлаш учун зарур назарий маълумотлар:**

*Миқдорий баҳолаш вариантлари:*

Ҳеч қачон	1
Баъзан	2
Тез-тез	3
Деярли ҳар доим	4
Тўғри саволлар:	1,3,4,7,8,9,10,13,15,19
Тескари саволлар:	2,5,6,11,12,14,16,17,18,20.
Тўғри саволлар баҳоси	1 2 3 4
Тескари саволлар баҳоси	1 2 3 4

Депрессия даражаси (ДД) қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$ДД = \square \text{тўғ.} + \square \text{тес.},$$

Бу ерда  $\square \text{тўғ.}$  – белгиланган “тўғри” саволлар йиғиндиси;  $\square \text{тес.}$  – белгиланган “тескари” саволлар йиғиндиси.

**Депрессия даражаси:**

Депрессия йўқ – 50 баллгача (ёки 40 хом баллар);

Енгил депрессия – 50-59 (40-48 хом баллар);

Ўрта даражали депрессия – 60-69 (48-55 хом баллар);

Оғир депрессия – 70 ва ундан юқори (56 ва ундан юқори хом баллар)

Хом баллар = тўғри + тескари баллар;

Стандарт баллар = (хом баллар x 100)/80

### Кўрсатма

«Қуйида келтирилган ҳар бир жумлани диққат билан ўқинг ва айнан ҳозирги пайтда ўзингизни қандай ҳис қилаётган бўлсангиз шунга мос жавоблар тўғрисига “+” белгисини қўйинг. Саволлар устида узоқ ўйланманг ва фикрингизга келган биринчи жавобни белгиланг, чунки тўғри ёки нотўғри жавоблар йўқ».

### Қарши кўрсатма

Эндоген жараёнларда.

### Зарурий жиҳозлар

Цунг шкаласи бланки

## Цунг шкаласини бажарилиш алгоритми

№	босқичлари	Бажарди	Бажармади
1	Цунг шкаласини тўлдириш қоидаларини тушунтириш		
2	Бемор ёндош ҳолатлар, жараёнларга чалғимасдан ушбу бланкни тўлдиради.		
3	Тиббий психолог бланк натижаларини баҳолайди.		
4	Олинган натижаларни беморга тушунтирилади.		

### Кузатиладиган асоратлар:

Асоратлар кузатилмайди

#### Илова

№	САВОЛЛАР, ВАЗИЯТЛАР	Ҳеч қачон	Баъзан	Тез-тез	Деярли ҳар доим
1.	Мен тушқинликни ҳис қилаяпман				
2.	Эрталам мен ўзимни жуда яхши ҳис қиламан				
3.	Мен йиғлаб тураман				
4.	Мен тунда ёмон ухлайман				
5.	Иштаҳам ёмон эмас				
6.	Менга ёққан одамлар билан суҳбатлашгим, уларнинг ёнида бўлгим келади				
7.	Мен вазнимни йўқотаётганимни сезаяпман				
8.	Мени қабзиятлар безовта қилади				
9.	Юрагим одатдагидан тезроқ уради				
10.	Мен ҳеч қандай сабабсиз чарчайман				
11.	Менинг фикрларим ҳар доимгидек аниқ				
12.	Қўлимдан келадиган ишларни осонликча бажараман				
13.	Безовталиқни ҳис қилаяпман ва бир жойда ўтира олмаяпман				
14.	Менда келажакка ишонч бор				
15.	Менинг жаҳлим одатдагидан тезроқ чиқаяпти				
16.	Менга бир қарорга келиш жуда осон				
17.	Мен фойдали ва зарур эканлигимни ҳис қиламан				
18.	Мен тўлақонли ҳаёт кечираяпман				
19.	Мен ўлсам бошқаларга яхши бўлишини ҳис қилаяпман				
20.	Мени авваллари хурсанд қиладиган нарсалар ҳозир ҳам хурсанд қилади				

## Амалий кўникмалар алгоритми

1. Таъриф
2. Мақсад
3. Амалий кўникмани мустаҳкамлаш учун зарур назарий маълумотлар
4. Кўрсатма
5. Қарши кўрсатма
6. Зарурий жиҳозлар
7. Қадамма-қадам бажарилиши
8. Асоратлари

Спилбергер - Ханин шкаласи (ҳавотирни баҳолаш учун)

Спилбергер – Ханин шкаласи – ҳавотирни баҳолаш учун қўлланилади.

**Мақсад** – ҳавотир даражасини баҳолаш.

**Амалий кўникмани мустаҳкамлаш учун зарур назарий маълумотлар:**

Ушбу шкала реактив ва шахсий ҳавотирни аниқлаб баҳолаш учун қўлланилади. Шкала 40 та саволдан иборат бўлиб, 1 дан 20 гача бўлган саволлар реактив ҳавотир (РХ), 21 дан 40 гача бўлган саволлар шахсий ҳавотир (ШХ) даражасини баҳолаш учун танланган. Сўровномани беморнинг ўзи тўлдиради, врач эса таҳлил қилади.

Реактив ҳавотир – инсонни шу кунларда ҳавотирга солаётган вазиятларни баҳолаб берувчи ҳолат бўлиб, атрофда бўлаётган воқеаларга унинг муносабатини белгилаб беради.

Шахсий ҳавотир – ҳар қандай инсоннинг ҳавотирга бўлган моиллигини акс эттирувчи ва унинг индивидуаллигини белгилаб берувчи хусусият. Инсон ҳаётига таҳдид солувчи хавфли омиллар ШХ да акс этади.

Белгиланган 3, 4, 6, 7, 9, 12, 13, 14, 17, 18 рақамлар йиғиндиси – (□1) ҳисобланади, сўнг қолган 1, 2, 5, 8, 10, 11, 15, 16, 19, 20 рақамлар йиғиндиси – (□2) ҳисобланади.

Куйидаги формула

$$РХ = □1 - □2 + 35$$

бўйича **реактив ҳавотир** (РХ) даражаси аниқланади.

Худди шундай тарзда **ШХ** = □1 - □□2 + 35 формула бўйича **шахсий ҳавотир** (ШХ) даражаси аниқланади.

Бу ерда,

□1 – 22, 23, 24, 25, 28, 29, 31, 32, 34, 35, 37, 38, 40 рақамлар бўйича жавоблар йиғиндиси;

□2 – 21, 26, 27, 30, 33, 36, 39 рақамлар бўйича қолган жавоблар йиғиндиси.

**Ҳавотир даражалари:**

Енгил ҳавотир – 30 баллгача;

Ўрта даражадаги ҳавотир – 31-45 балл;

Кучли ҳавотир – 46 ва ундан юқори балл.

### Кўрсатма

«Куйида келтирилган ҳар бир жумлани диққат билан ўқинг ва айнан ҳозирги пайтда ўзингизни қандай ҳис қилаётган бўлсангиз шунга мос жавоблар тўғрисига “+” белгисини қўйинг. Саволлар устида узоқ ўйланманг ва фикрингизга келган биринчи жавобни белгиланг, чунки тўғри ёки нотўғри жавоблар йўқ».

### Қарши кўрсатма

Эндоген жараёнларда.

## Зарурий жиҳозлар

Спилбергер - Ханин шкаласи бланки

### Спилбергер - Ханин шкаласини бажарилиш алгоритми

№	Босқичлари	Бажарди	Бажармади
1	Спилбергер - Ханин шкаласини тўлдириш қоидаларини тушунтириш		
2	Бемор ёндош ҳолатлар, жараёнларга чалғимасдан ушбу бланкни тўлдиради.		
3	Тиббий психолог бланк натижаларини баҳолайди.		
4	Олинган натижаларни беморга тушунтирилади.		

### Кузатиладиган асоратлар:

Асоратлар кузатилмайди

### Илова

№	САВОЛЛАР, ВАЗИЯТЛАР	Асло ундай эмас	Балки шундай ир	Тўғри	Жуда тўғри
1.	Мен тинчман				
2.	Менга ҳеч нарса ҳавф солмайди				
3.	Менинг асабларим таранглашган				
4.	Мен афсус чекаяпман				
5.	Мен ўзимни озод ҳис этаяпман				
6.	Мен ҳафаман				
7.	Мени рўй бериши мумкин бўлган муваффақиятсизликлар қийнаяди				
8.	Мен ўзимни дам олгандек ҳис қилаяпман				
9.	Мен хавотирдаман				
10.	Мен ички қониқмасликни ҳис қилаяпман				
11.	Мен ўзимга ишонаман				
12.	Мен асабийлашяпман				
13.	Ўзимни қўйишга жой топа олмаяпман				
14.	Мен ўта таранг ҳолатдаман				
15.	Мен тангликни ҳис қилаяпман, сиқилаяпман				
16.	Мен манмунман				
17.	Мен ташвишдаман				
18.	Менинг асабларим жуда қўзғалган ва ўзимни назорат қила олмаяпман				

19.	Мен хурсандман, шодман				
20.	Менинг кўнглим хуш				

№	<b>САВОЛЛАР, ВАЗИЯТЛАР</b>	<i>Деярли ҳеч қачон</i>	<i>Баъзан</i>	<i>Тез- тез</i>	<i>Деярли ҳар доим</i>
21.	Мен қониқиш ҳис қиламан				
22.	Мен жуда тез чарчайман				
23.	Мен тез йиғлаб юборишим мумкин				
24.	Мен ҳам бошқаларга ўхшаб бахтли бўлишни хоҳлардим				
25.	Дарров бир қарорга кела олмаганим учун ҳам баъзан ютқазиб қўяман				
26.	Одатда мен ўзимни тетик ҳис қиламан				
27.	Мен тинчман, ўзимни босиб олганман, вазминман				
28.	Кутилаётган қийинчиликлар одатда мени жуда хавотирга солади				
29.	Мен арзимаган нарсаларга ҳам жуда сиқилавераман				
30.	Мен жуда бахтиёрман				
31.	Мен ҳамма нарсани юрагимга яқин олавераман				
32.	Менда ўзимга ишонч етишмайди				
33.	Одатда мен ўзимни ҳавфсизликда, деб биламан				
34.	Мен ўта оғир вазиятлар ва қийинчиликлардан четроқ юришга ҳаракат қиламан				
35.	Мен ўзимни маъносиз сезиб тураман				
36.	Менинг кўнглим тўқ				
37.	Арзимаган нарсалар менинг фикримни тарқатиб юборади ва ҳаяжонга солади				
38.	Мен ҳафа бўлсам узоқ вақт ўзимга кела олмай ва унута олмай юраман				
39.	Мен вазмин одамман				
40.	Ишларим ва режаларим ҳақида ўйласам мени кучли хавотир эгаллаб олади				



## Амалий кўникмалар алгоритми

1. Таъриф
2. Мақсад
3. Амалий кўникмани мустаҳкамлаш учун зарур назарий маълумотлар
4. Кўрсатма
5. Қарши кўрсатма
6. Зарурий жиҳозлар
7. Қадамма-қадам бажарилиши
8. Асоратлари

*Бурдоннинг корректура синамаси (диққатни текшириши )*

**Мақсад** – диққат тезлиги ва ўткирлигини баҳолаш учун

**Амалий кўникмани мустаҳкамлаш учун зарур назарий маълумотлар:**

Ушбу синама Бурдон томонидан 1895 йили тавсия қилинган ва ханузгача қўллаб келинади. Синама диққатни бир жойга жамлай олиш ва уни бир объектдан иккинчи объектга кўчириш қобилиятини текшириш учун қўлланилади. Синама жуда оддий бўлиб, уни ўтказиш учун махсус бланклар ва секундомер керак бўлади холос. Синамани ўтказиш учун тасодифий равишда жойлашган йирик **рақамлар, ҳарфлар** ёки турли **геометрик шакллар** ёзиб қўйилган бланк синалувчига кўрсатилади. Талаб шундан иборатки, синалувчи ўзи хоҳлаган битта сонни (масалан 8 ни), битта ҳарфни (масалан Р ҳарфини) ёки бирор бир шаклни (масалан ► шаклини) 60 сек ичида ўчириб чиқиши керак. Топширик: “Сиз ушбу бланкдаги 8 сонларини вертикал йўналишида ўчириб чиқинг”. Вақт белгиланади ва 60 секунддан сўнг топширикни бажариш тезлиги, йўл қўйилган хатолар (баъзи 8 сонларининг ўчирилмай қолиши ёки бошқа сонларни ўчириб юбориш ва х.к.). Синов натижалари ўчирилган сонлар ёки ўчирилмай қолдириб кетилган сонлар, бажариш учун кетган вақтга қараб баҳоланади. Бу топшириқларни турли тарзда бериш мумкин. Шу йўл билан диққатнинг ўткирлиги, давомийлиги, чарчаш даражаси, бир топшириқдан иккинчи топшириққа ўтиш тезлиги баҳоланади. Синалувчи қанча кам хатога йўл қўйган бўлса, унинг диққати шунча ўткир ҳисобланади.

### **Кўрсатма**

Эндоген касалликлардан бошқа барчада.

### **Қарши кўрсатма**

Эндоген жараёнларда.

### **Зарурий жиҳозлар**

Бурдоннинг корректура синамаси бланки

## **Бурдоннинг корректура синамасини бажарилиш алгоритми**

№	босқичлари	Бажарди	Бажармади
1	Бурдоннинг корректура синамасини бланкини тўлдириш қоидаларини тушунтириш		
2	Бемор ёндош ҳолатлар, жараёнларга чалғимасдан ушбу бланкни тўлдиради.		
3	Тиббий психолог бланк натижаларини баҳолайди.		
4	Олинган натижаларни беморга тушунтирилади.		

### **Кузатиладиган асоратлар:**

Асоратлар кузатилмайди

**Илова**

**Синалувчининг кўлига бериладиган бланк.**

<i>Исму шарифи</i>										<i>ёши</i>					<i>Сана</i>							
1	4	5	7	3	9	6	4	6	3	3	3	6	8	4	6	3	3	3	6	8	6	4
5	8	1	3	4	7	5	5	5	6	4	4	4	0	5	5	6	4	4	4	0	5	5
7	4	2	5	6	2	4	6	2	7	8	6	7	8	6	2	7	8	6	7	8	4	6
8	3	5	7	8	3	6	2	4	8	9	8	3	6	2	4	8	9	8	3	6	6	2
6	8	4	2	6	8	7	3	5	3	6	9	4	3	3	5	3	6	9	4	3	7	3
4	6	3	3	3	6	8	7	8	4	2	1	5	4	7	8	4	2	1	5	4	8	7
5	5	6	4	4	4	0	8	6	7	3	2	3	7	8	6	7	3	2	3	7	0	8
6	2	7	8	6	7	8	7	5	2	8	3	2	9	7	5	2	8	3	2	9	8	7
2	4	8	9	8	3	6	5	5	5	5	4	3	6	5	5	5	5	4	3	6	6	5
3	5	3	6	9	4	3	3	3	6	4	6	4	3	3	3	6	4	6	4	3	3	3
7	8	4	2	1	5	4	4	5	4	6	8	2	4	4	5	4	6	8	2	4	4	4
8	6	7	3	2	3	7	8	4	3	5	4	4	8	8	4	3	5	4	4	8	7	8
7	5	2	8	3	2	9	4	6	3	3	3	6	8	4	6	3	3	3	6	8	9	4
5	5	5	5	4	3	6	5	5	6	4	4	4	0	5	5	6	4	4	4	0	6	5
3	3	6	4	6	4	3	6	2	7	8	6	7	8	6	2	7	8	6	7	8	3	6
4	5	4	6	8	2	4	2	4	8	9	8	3	6	2	4	8	9	8	3	6	4	2
8	4	3	5	4	4	8	3	5	3	6	9	4	3	3	5	3	6	9	4	3	0	5
5	8	7	2	6	6	6	7	8	4	2	1	5	4	7	8	4	2	1	5	4	8	6
6	2	3	3	7	8	2	8	6	7	3	2	3	7	8	6	7	3	2	3	7	6	2
3	9	5	7	8	7	1	7	5	2	8	3	2	9	7	5	2	8	3	2	9	3	3
2	1	3	9	4	6	3	5	5	5	5	4	3	6	5	5	5	5	4	3	6	4	7
3	3	3	6	4	6	4	3	3	6	4	6	4	3	3	3	6	4	6	4	3	2	8
4	4	5	4	6	8	2	4	5	4	6	8	2	4	4	5	4	6	8	2	4	5	6

**Натижаларни акс эттириш учун бланк (бу синовчида бўлади).**

Кўриб чиқилган қаторлар сони	Тўғри ўчирилган сонлар	Кўйиб юборилган сонлар

## Амалий кўникмалар алгоритми

1. Таъриф
2. Мақсад
3. Амалий кўникмани мустаҳкамлаш учун зарур назарий маълумотлар
4. Кўрсатма
5. Қарши кўрсатма
6. Зарурий жиҳозлар
7. Қадамма-қадам бажарилиши
8. Асоратлари

MMSE (Mini-Mental State Examination) шкаласи (нейропсихологик бузилишларни баҳолаш учун)

**Мақсад** – нейропсихологик бузилишлар, деменция бор ёки йўқлигин аниқлаш.

**Амалий кўникмани мустаҳкамлаш учун зарур назарий маълумотлар:**

**Вактни англаш.** Бемордан бугунги число, ҳафта куни, ой, фасл ва йилни тўла айтиб бериш сўралади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл қўйилади. Шундай қилиб, бемор 0 дан 5 баллгача тўплаши мумкин. Демак, умумий баллар йиғиндиси 0–5.

**Маконни англаш.** Беморга қуйидаги савол билан мурожаат қилинади: “Ҳозир биз қаердамиз?” Бемор давлат, шаҳар ёки вилоят, қаерда текширув ўтказилаётгани (уй ёки клиника), ҳудуд ёки бино, қават ёки хона рақамини тўғри айтиб бериши керак. Ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл қўйилади. Бу вазифа учун ҳам бемор 0 баллдан 5 баллгача тўплаши мумкин. Демак, умумий баллар йиғиндиси 0–5.

**Идрок.** “Қуйидаги 3 сўзни такрорланг ва эслаб қолинг ”сув, нина, қалам” деб беморга топшириқ берилади. Доктор ушбу сўзларни шошмасдан лўнда қилиб талаффуз қилиши керак (бир сонияга бир сўз). Ҳар бир тўғри такрорланган сўзга 1 балл қўйилади. Шундан сўнг бемордан “Сўзларни ёдлаб қолдингизми, қани яна бир бор қайтаринг-чи”, деб сўралади. Агар бемор сўзларни шу кетма-кетликда қайта айтиб беришга қийналса, врач томонидан ушбу сўзлар яна такрорланади ва уларни қайта такрорлаш сўралади. Шу тартибда сўзларни бир неча бор (бирок 5 та уринишдан ортиқ эмас) такроран айтиб бериш сўралади. Агар биринчи такрорлашда бемор 3 та сўзни кетма-кет тўғри айтса – 3, иккинчи уринишда тўғри айтса – 2, учинчи уринишда тўғри айтса – 1 балл қўйилади. Агар бемор кейинги уринишларда ҳам топшириқни бажара олмаса, 0 балл қўйилади. Умумий баллар йиғиндиси 0–3.

**Дикқат.** Беморга “100 дан 7 ни кетма-кет айириб келинг” деб сўралади. Бемор қуйидаги тартибда 100 дан 7 ни айириб бориши керак:  $100-7=93$ ;  $93-7=86$ ;  $86-7=79$ ;  $79-7=72$ ;  $72-7=65$ . Ҳар бир тўғри айирилган сон учун 1 балл қўйилади. Бемор 5 та айиришни ҳам тўғри бажарса, унга 5 балл қўйилади. Вазифани бажараётганда беморни шоширмаслик керак. Умумий баллар йиғиндиси 0–5.

**Хотира.** Бемордан идрокни текшираётганда қўлланилган сўзларни ёдга тушириб айтиб бериш сўралади. Ҳар бир тўғри эсланган сўз учун 1 балл қўйилади. Умумий баллар йиғиндиси 0–3.

**Гнозис (кўрув гнозиси).** Беморга қалам кўрсатиб, ундан “Бу нима? деб сўралади. Худди шу тартибда бошқа нарса (масалан, соат) кўрсатиб, у нималиги сўралади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл қўйилади. Умумий баллар йиғиндиси 0–2.

**Жумлани такрорлаш.** Бемордан қуйидаги жумлани такрорлаш сўралади: “Ҳеч бўлмаганда, ҳеч қачон”. Бу жумла фақат бир марта айтилади. Бемор уни худди шундай такрорлаши керак. Тўғри такрорласа – 1 балл, такрорлай олмаса – 0 балл қўйилади.

**Топшириқни тушуниш.** Беморга бажарилиши 3 босқичдан иборат топшириқ оғзаки тарзда берилади. “Қоғозни ўнг қўлингиз билан олинг-да, уни икки буклаб стол устига қўйинг». Ҳар бир тўғри бажарилган босқичга 1 балл қўйилади. Бу топшириқ бир марта берилади. Умумий баллар йиғиндиси 0–3.

**Ўқиш.** Беморга катта ҳарфлар билан “КЎЗИНГИЗНИ ЮМИНГ” деган жумла битилган қоғоз берилади. Бемордан: “Ушбу ёзувни овоз чиқариб ўқинг ва уни бажаринг”, деб сўралади. Бемор ушбу сўзларни ўқиб, кўзларини юмиши керак. Агар бемор қоғоздаги сўзларни ўқиб ҳақиқатан ҳам кўзларини юмса, унга 1 балл қўйилади. Топшириқ бажарилмаса, 0 балл қўйилади.

**Ёзиш.** Бемордан бирон жумлани ўйлаб, уни қоғозга ёзиш сўралади. Қоғозга ёзилган жумла грамматик жиҳатдан тўғри ва маъноли бўлса, унга 1 балл қўйилади.

**Чизиш.** Бемордан бир-бири билан кесишган 2 та беш бурчакли фигурани худди шундай кўринишда чизиб бериш сўралади. Ўртада тўртбурчак ҳосил бўлиши керак. Агар топшириқ тўғри бажарилса – 1 балл, нотўғри бажарилса – 0 балл қўйилади.

**БУ ЕРГА ЎША ИККИТА РОМБИКНИ ЧИЗИШ ЭСДАН ЧИҚМАСИН!!!**

### Баллар градацияси

Баллар йиғиндиси, балл	Когнитив бузилишлар даражаси
28–30	Когнитив бузилишлар йўқ
20–27	Енгил деменция
11–19	Ўрта даражадаги деменция
0–10	Оғир деменция

Соғлом одам 28–30 баллгача тўплаши мумкин. Когнитив бузилишлар чуқурлашган сайин тўпланган баллар йиғиндиси камайиб бораверади. MMSE шкаласи бош миянинг диффуз зарарланишларида (цереброваскуляр касалликлар, турли этиологияли энцефалопатиялар, диффуз церебрал атрофиялар) кенг қўлланилади. Аммо бош миянинг локал зарарланиши сабабли ривожланган деменцияда бу тест натижаси бўйича хулоса чиқариб бўлмайди.

### Кўрсатма

Деменцияга шубҳа қилинган беморларда

### Қарши кўрсатма

Эндоген жараёнларда.

### Зарурий жиҳозлар

MMSE шкаласи бланки

## MMSE шкаласи сўровномасини бажарилиш алгоритми

№	Босқичлари	Бажарди	Бажармади
1	MMSE шкаласи бланкини тўлдириш қоидаларини тушунтириш		
2	Бемор ёндош ҳолатлар, жараёнларга чалғимасдан ушбу бланкни тўлдиради.		
3	Тиббий психолог бланк натижаларини баҳолайди.		
4	Олинган натижаларни беморга тушунтирилади.		

### Кузатиладиган асоратлар:

Асоратлар кузатилмайди

### Илова

Текширилувчи функция	Топшириқ	Баллар Йиғиндиси
Вақтни англаш	Вақтни айтинг (число, ой, ҳафта куни, йил, фасл)	0–5
Маконни англаш	Ҳозир биз қаердамиз (хона, клиника, уй, шаҳар, давлат)?	0–5
Идрок	Қуйидаги 3 та сўзни такрорланг: сув, нина, қалам	0–3
Диққат	100 дан 7 ни айириб боринг	0–5
Хотира	Ҳалиги 3 та сўзни қайта эсга тушинг	0–3
Гнозис	Бу нима? (бемор унга кўрсатилган нарсаларнинг масалан, қалам, соат номларини айтиши керак)	0–2
Жумлани такрорлаш	Жумлани такрорланг: “Ҳеч бўлмаганда, ҳеч қачон”	0–1
Топшириқни тушуниш	Қоғозни ўнг қўлингиз билан олингда, уни икки бук-лаб стол устига қўйинг.	0–3
Ўқиш	Ушбу ёзувни (“Кўзингизни юминг”) овоз чиқариб ўқинг ва уни бажаринг	0–1

Ёзиш	Бирор-бир жумлани ўйлаб уни қоғозга ёзинг	0–1
Чизиш	Ушбу расмни чизинг	0–1
Баллар йиғиндиси		0–30

## Амалий кўникмалар алгоритми

1. Таъриф
2. Мақсад
3. Амалий кўникмани мустаҳкамлаш учун зарур назарий маълумотлар
4. Кўрсатма
5. Қарши кўрсатма
6. Зарурий жиҳозлар
7. Қадамма-қадам бажарилиши
8. Асоратлари

## МОНРЕАЛ ШКАЛАСИ

(когнитив функцияларни баҳолаш учун)

**Мақсад** – когнитив функцияларни баҳолаш учун қўлланилади.

**Амалий кўникмани мустаҳкамлаш учун зарур назарий маълумотлар:**

Монреал шкаласи (mosatest) енгил типдаги когнитив функцияларни қисқа муддатда баҳолаш учун ишлаб чиқилган. У оддийлиги ва осонлиги билан бошқа шкалалардан ажралиб туради. Бу шкала ёрдамида диққат, хотира, нутқ, фикрлаш, оптик-фазовий фаолият, ҳисоблаш, ориентация каби когнитив функциялар баҳоланади. Текшириш вақти ўртача 10 дақиқага тенг. Умумий баллар йиғиндиси – 30. Норма – 26–30 балл.

### **1. Рақамлар ва ҳарфларни чизиклар ёрдамида улаш**

**Кўрсатма.** “Мана шу рақамлар ва ҳарфларни чизик билан улаб чиқасиз. Чизикни 1 рақамдан бошлаб А ҳарфига ўтказасиз, сўнгра ошиб бориш тартиби бўйича узлуксиз давом эттирасиз ва уни Д ҳарфида тўхтатасиз”.

**Баҳолаш.** Агар синалувчи рақамлар ва ҳарфларни қуйидаги **1-А-2-Б-3-В-4-Г-5-Д** тартибда чизик билан улаб чиқса, 1 балл қўйилади. У кўрсатмани тўғри бажарган бўлади. Бунда чизиклар бир-бирини кесиб ўтмаслигига эътибор қаратилади. Ҳар қандай хато, шу жумладан, ўша заҳоти тўғриланмаган 0 балл билан баҳоланади.

### **2. Оптик-фазовий фаолият**

**1-кўрсатма (кубик чизиш).** Синалувчига кубик кўрсатилади ва қуйидаги кўрсатма берилади: «Кубикни худди ўзига ўхшатиб пастдаги жойга чизинг».

**Талаблар:**

- Кубик 3 ўлчамли бўлиши керак.
- Барча чизиклар чизилган бўлиши керак.
- Ортиқча чизиклар бўлмаслиги керак.
- Чизиклар бир-бирига нисбатан параллел жойлашган бўлиши керак (узунлиги бир-биридан бироз фарқ қилиши мумкин).

**Баҳолаш.** Ушбу талабларга жавоб берадиган тўғри чизилган кубик учун 1 балл қўйилади. Агар юқоридаги талабларнинг бирортаси бажарилмаса, 0 балл қўйилади.

**2-кўрсатма (соат чизиш).** “Мана бу ерга думалоқ соатнинг расмини солинг, рақамлари ва стрелкаларини чизиб чиқинг. У 11 дан 10 дақиқа ўтганлигини кўрсатсин”.

**Талаблар:**

- Соат думалоқ қилиб чизилган бўлиши керак (озгина хатолик бўлиши мумкин).
- Соат рақамларининг барчаси жой-жойига қўйилган бўлиши керак. Синалувчи хоҳишига кўра рақамлар соатнинг ташқи томонидан чизилиши мумкин.

- Соатнинг иккала стрелкаси ҳам чизилган бўлиши ва у 11 дан 10 дақиқа ўтганлигини кўрсатиб туриши керак. Соатни кўрсатувчи стрелка дақиқани кўрсатувчи стрелкадан калта ва йўғонроқ бўлиши лозим.

**Баҳолаш.** Барча шартларга амал қилиб бажарилса, 1 балл қўйилади. Ушбу шартларнинг бирортаси бажарилмаса, 0 балл қўйилади.

### **3. Номини айтиш**

**Кўрсатма:** Учта ҳайвоннинг номини чапдан ўнгга қараб айтиб бериш сўралади.

**Баҳолаш:** Ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл қўйилади: (1) шер, (2) от, (3) туя.

### **4. Хотира**

**Кўрсатма:** «Диққат билан менга қулоқ соласиз. Сизнинг хотирангизни текшириш учун 5 та сўз айтаман (айтиш тезлиги 1 сонияга 1 та сўз). Сиз уларни эслаб қолинг. Мен сўзларни айтиб бўлганимдан сўнг уларни такрорлайсиз. Сўзларни кетма-кет бир тартибда айтиш шарт эмас».

Синалувчи барча сўзларни айтиб бўлганидан сўнг ёки энди бошқа эслаб олмаяпман деса, сўзлар қайтадан ўқилади ва қуйидаги кўрсатма берилади: «Мен худди шу сўзларни иккинчи бор ўқийман. Барча сўзларни эслаб қолишга ва тўла айтиб беришга ҳаракат қилинг». Тўғри айтилган сўзлар 2-қатордаги катакларда белгиланади. Синалувчига 2-имконият берилгандан сўнг: «Шу сўзларни эслаб қолинг, текширув сўнггида сўрайман дейилади».

**Изоҳ:** Баҳо қўйилмайди.

### **5. Диққат**

**А) Сонларни тўғри тартибда айтиш.**

**Кўрсатма:** «Мен бир нечта сонларни айтаман, сўнгра Сиз уларни такрорлайсиз». Бешта сон тўғри тартибда айтилади (айтиш тезлиги 1 сонияга 1 та сон). Синалувчи уларни шу тартибда такрорлайди.

**Б) Сонларни тескари тартибда айтиш.**

**Кўрсатма:** «Ҳозир яна бир нечта сонларни айтаман, сўнгра Сиз уларни такрорлайсиз». Учта сон тескари тартибда айтилади (айтиш тезлиги 1 сонияга 1 та сон). Синалувчи уларни худди шу тартибда такрорлайди.

**Баҳолаш:** Ҳар бир тўғри айтилган йўналишга 1 балл қўйилади, яъни тўғри тартибда айтилган 1-қаторга 1 балл, тескари тартибда айтилган 2-қаторга 1 балл қўйилади.

### **Реакция**

**Кўрсатма:** Диққат ўткирлиги ва тезкорлигини текшириш учун ҳарфлар кетма-кет ўқилади (ўқиш тезлиги 1 сонияга 1 та ҳарф). Синалувчидан ҳар гал А ҳарфини ўқиганда столга секин уриб қўйиш сўралади».

**Баҳолаш:** Топшириқ хатосиз бажарилса 1 балл қўйилади. Битта хато кечирилади, масалан, бошқа ҳарф ўқилганда столга уриб қўйди ёки А ҳарфи ўқилганда столга урмади.

### **100 дан 7 ни айириб бориш**

**Кўрсатма:** Синалувчидан 100 дан 7 ни айириб бориш сўралади. Синалувчи уни қуйидаги тартибда тўғри бажариши керак:  $100-7=93$ ;  $93-7=86$ ;  $86-7=79$ ;  $79-7=72$ ;  $72-7=65$ .

**Баҳолаш:** Битта тўғри айирилган сон учун 1 балл, 2–3 тўғри айирилган сонга – 2 ва 4-5 тўғри айирилган сонга – 3 балл қўйилади. Демак, умумий баллар йиғиндиси 3 баллга тенг. Топшириқ хато бажарилса, 0 балл қўйилади. Агар синалувчи адашиб бошқа сонни (масалан,



92) айтса ва кейинчалик 7 ни тўғри айириб бошласа ҳам, балл қўйиб борилади: 1, 2 ва 3 балл.

### **6. Гапларни такрорлаш**

**Кўрсатма:** Ҳозир мен қуйидаги гапни ўқийман. Сиз менинг изимдан уларни сўзма–сўз такрорлайсиз (кичик пауза). *Мен шунни биламанки, Карим – бу менга ёрдам берадиган одам.* Синалувчи топшириқни бажарганидан сўнг иккинчи гап ўқилади ва бироз пауза қилиб уни ҳам аниқ такрорлаш сўралади: *Ҳовлида кучук пайдо бўлганида, мушук кўчага қочиб кетарди.*

**Баҳолаш:** Ҳар бир тўғри такрорланган гап учун 1 балл қўйилади. Умумий балл – 2 балл. Гапни бирорта сўз қолдирмасдан, сўзларнинг ўрнини ўзгартирмасдан ва синонимларни ишлатмасдан такрорлаш керак.

### **7. Тез айтиш**

**Кўрсатма:** Сиз 60 сония ичида Л билан бошланадиган сўзларни иложи борица кўпроқ айтишингиз керак. Бироқ шаҳарлар ва одамлар оти бўлмасин.

**Баҳолаш:** Синалувчи 60 сония ичида 11 та ёки ундан кўп Л билан бошланувчи сўзларни айтса, 1 балл қўйилади.

### **8. Абстракт фикрлаш**

**Кўрсатма:** Жуфтликдаги нарсаларнинг бир-бирига нимаси билан ўхшашлиги сўралади. Масалан, “Айтинг-чи, олма ва апелсин нимаси билан ўхшаш”. Бу синаш учун берилган савол ва унга балл қўйилмайди. Сўнгра асосий қисмга ўтилади ва қуйидаги саволлар берилади:

- 1) Поезд билан велосипед нимаси билан ўхшаш?
- 2) Спидометр билан соат нимаси билан ўхшаш?

Синалувчи ҳеч қандай қўшимча ёрдамсиз улар орасидаги ўхшашликларни топиши керак.

**Баҳолаш.** Қуйидаги жавоблар тўғри ҳисобланади ва уларга 1 баллдан қўйилади:

- 1) поезд-велосипед = ҳаракатланиш воситаси, уларда бирор жойга бориш мумкин;
- 2) спидометр-соат = ўлчаш воситаси, улар билан тезлик ва вақтни ўлчаш мумкин.

Қуйидаги жавоблар қабул қилинмайди: поезд-велосипед = улар ғилдираги билан бир-бирига ўхшаш, спидометр-соат = уларнинг рақамлари бор ва ҳ.к.

**9. Қайта эсга тушириш.** Аввал ёд олган сўзларни қайта эсга тушириш текширилади (эслатмасдан).

**Кўрсатма:** «Сизнинг хотирангизни текшираётганда бир қатор сўзларни айтганман. Уларни қайта эсга туширишга ҳаракат қилинг».

**Баҳолаш:** Ҳар бир тўғри эсланган сўзга 1 балл қўйилади.

**Врач хоҳишига кўра** синалувчига сўзларни эслашга ёрдам бериши мумкин. Бунинг учун сўзларнинг маъносини ёки шунга яқин сўзларни айтиб эслашга ёрдам бериши мумкин. Масалан, «Нима деб ўйлайсиз, Сиз эслай олмаётган нарса эшикми, ойнами ёки дераза?»; “Дарё, денгиз ёки ариқ”, “Мачит, мактаб ёки коллеж” ва ҳ.к.

**Баҳолаш:** Ёрдам орқали айtilган сўзларга балл қўйилмайди. Врач хоҳламаса ёрдамчи текширув усулини қўлламаслиги мумкин. Бу текширув хотира бузилиши ҳақида қўшимча маълумот беради холос, яъни эслаб қолиш бузилганми ёки қайта эсга тушириш? Эслаб қолиш жараёни бузилган бўлса, бу усуллар ёрдам бермайди.

### **10. Ориентация.**

**Кўрсатма:** Синалувчидан бугунги сана сўралади. Сўнгра ой, йил, ҳафта куни, ҳозирги жой ва шаҳар сўралади.

**Баҳолаш:** Ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл берилади. Бирор бир адашиш ва хато баҳоланмайди.

**Умумий баллар:** Баллар йиғиндиси 26–30 бўлса, бу норма. Синалувчи 12 йиллик таълим олмаган ёки олиб кейин ўқимаган бўлса, 1 балл қўшилади. **Кўрсатма**

Когнитив функциялар дефицитига шубҳа қилинган беморларда

**Қарши кўрсатма**

Эндоген жараёнларда.

**Зарурий жиҳозлар**

Монреал шкаласи бланки

**Монреал шкаласи сўровномасини бажарилиш алгоритми**

№	Босқичлари	Бажарди	Бажармади
1	Монреал шкаласи бланкини тўлдириш қоидаларини тушунтириш		
2	Бемор ёндош ҳолатлар, жараёнларга чалғимасдан ушбу бланкни тўлдиради.		
3	Тиббий психолог бланк натижаларини баҳолайди.		
4	Олинган натижаларни беморга тушунтирилади.		

**Кузатиладиган асоратлар:**

Асоратлар кузатилмайди

**Илова**

**МОНРЕАЛ ШКАЛАСИ**

(когнитив функцияларни баҳолаш учун)

**Ф.И.Ш:**.....

**Маълумоти:**.....

**Туғилган йили ва куни:**.....

**Текширув ўтказилган кун:**.....

<b>Оптик-фазовий функцияларни бажара олиш қобилияти</b>	Рақамли соатни чизинг ва унда 11 дан 10 дақиқа ўтган бўлсин (3 та пункт)	<b>Балл</b>
---	--	-------------

Кубикни худди шундай чизинг

[ ]

\_\_\_/5

[ ]

[ ]      [ ]      [ ]

Шакли      Рақамлари  
Стрелкалари

**Номини айтиш**

**NAMING**

[ ]

[ ]

[ ]

\_\_\_/3

<b>Хотира</b>		<b>Ойна</b>	<b>Япроқ</b>	<b>Мачит</b>	<b>Дарё</b>	<b>Пахта</b>	Балл қўйил майди
<p>Синалувчи врач ўқиган сўзларни такрорлайди ва натижа 1-қаторга ёзилади.</p> <p>Врач шу сўзларни яна такрорлайди ва натижа 2-қаторга ёзилади.</p>	1-имконият						

Синалувчидан бу сўзларни эслаб қолиш сўралади.	2-имконият						
--	------------	--	--	--	--	--	--

<b>Диққат.</b> Рақамларни ўқинг (1 сонияда 1 рақам).							
Тўғри тартибда такрорланг [ ] 2 1 8 5 4							__/2
Тескари тартибда такрорланг [ ] 7 4 2							
Ҳарфларни ўқинг. Ҳар гал А ни ўқиганда синалувчи кўли билан столга уриб қўяди. Синалувчи 2 маротаба хатога йўл қўйса, балл қўйилмайди.							__/1
[ ] Ф Б А В М Н А А Ж Л Л Б А Ф А К Д Е А А А Ж А М О Ф А А Б							
100 дан 7 ни айириб боринг.							
[ ] 93 [ ] 86 [ ] 79 [ ] 72 [ ] 65							__/3
<b>Нутқ.</b> Такрорланг: Мен шуни биламанки, Карим – бу менга ёрдам берадиган одам. [ ]							
Ҳовлида кучук пайдо бўлганида, мушук кўчага қочиб кетарди. [ ]							__/2
Нутқ тезлиги/бир дақиқа ичида “Л” билан бошланадиган сўзларни иложи борича кўпроқ айтинг. [ ] __ (N≥11)							__/1
<b>Абстракт фикрлаш</b>							
Олма – апелсин = мева; [ ] поезд – велосипед [ ] спидометр – соат							__/2
<b>Қайта эсга тушириш (эслатмасдан)</b>	Аввалги сўзларни қайта эсга тушириш	<b>Ойна</b> [ ]	<b>Япроқ</b> [ ]	<b>Мачит</b> [ ]	<b>Дарё</b> [ ]	<b>Пахта</b> [ ]	__/5
<b>Тўлдириш шарт эмас (балл ҳам қўйилмайди)</b>	Ўхшаш сўзларни эслатиш						
	Таклиф этилган сўзлардан танлаш						
<b>Ориентация</b>	[ ] Сана [ ] Ой [ ] Йил [ ] Ҳафта куни [ ] Жой [ ] Шаҳар						__/6

<b>Баллар йиғиндиси</b>	<b>____/30</b>	<b>Норма 26 – 30</b>